

## Анас розияллоху анхудан



06:00 / 20.08.2018 3798

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам вафот этгунларича хонтахтада овқатланмадилар. У зот вафот этгунларича юшоқ нон ҳам емадилар».

Имом Бухорий ривоятлари.

**Фойда:** Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам дунё аҳллари қиладиган ишлардан юз ўгириб зоҳидликнинг энг чиройли намунасини кўрсатдилар. Бу ишлари билан камбағал ва мискинларни ўкситмаслик эди. Лекин бундай қилиш одамларга вожиб эмас.

Имом Бухорийнинг бошқа ривоятларида: «Расулуллох соллаллоху алайҳи васаллам жуни иссиқ сув билан олиниб, териси билан бутунича пиширилган қўйни кўзлари билан кўрмадилар», дейилган.

**Фойда:** Бу каби кичик қўйни жунини юлиб уни бутунича пишириш исроф қилиб ҳаддан ошувчиларни амалидир.